



Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (5533).

19

СЕНТЯБРЬ

ЖУМА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МАШИНАЛАР ДАЛАДА

Бекобод районидagi «Победа» колхозининг механизаторлари машина теримчи бoшлaб юбордилар. М. Маматқулов, М. Эрданов каби илгор механизаторлар биринчи кундаoқ бункерлар тонна-тонна пахта тўнаётдилар. Улар меҳнат қилаётган бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнерлик хирмон учун курашмоқдалар. Шу ҳосилнинг камида 90 процент машиналар билан териб олинади. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам эрта-индин машина терими қизғин бошланади. Колхоз механизаторлари ҳар бир машина билан камида 150 тоннадан, Худойкул Ута-

ганов, Жўрабек Мамадалиев, Ашраф Ҳасанов кабилар аса 180—250 тоннадан пахта теришга ваъда берганлар. Машина теримининг дастлабки кунлари шуни кўрсатмоқдаки, колхоз деҳқонлари бу йил оби-ҳаво қийинчилигларига қарамай, барча майдонларда мўл пахта ҳосили етиштирганлар. Машина эгат бўйлаб кўп юрмасданoқ бункерлар «оқ олтин»га тўлмоқда. Дала шийпонидан аса пахта юклиган тележкалар тайёрлаш пунктлари томон кетма-кет жўнаб турибди. Колхоз механизаторлари биринчи машина теримидаёқ

пахта тайёрлаш халқ ҳўжалик иланини бажаришни мўлжалламоқдалар. Шунда ҳар гектар ердан 24 центнердан пахта йиғиб олинади. Иккинчи машина теримида аса олдинга юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун кураш олиб бoрилади.

«Победа» колхозининг пахтакорлари партиямизнинг XXV съезди шарафига ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта йиғиб-териб олиб, давлатга 5530 тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон қилиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

В. ШОДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ- НИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ САНОАТИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ. ҚАҲРАМОН ИШЧИЛАРИМИЗГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бoриб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг иқтисодий қурилиш масалаларига оид йўл-йўриқларига амал қилиб, кенг авж олдирилган социалистик мусобақа асосида саноат маҳсулотининг умумий ҳажмини ўстириш юзасидан тўққизинчи беш йиллик топириқларини муддатидан илгари 10 сентябрда бажардилар.

1975 йилда саноат ишлаб чиқариши 1970 йилдагига нисбатан КПСС XXIV съезди Директива-ларида кўзда тутилган 46—49 процент ўрнига 53 процент кўпаяди.

Газ ва кўмир қазиб чиқариш, электр энергияси, пахта толаси, меза-сабзавот консервалари ва маҳ-

сулотнинг бир қанча бошқа муҳим турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан беш йилликнинг сўнгги йили учун белгиланган даражага эришилди. Топириқдан ташқари 3 миллиард куб метрдан кўпроқ газ қазиб олинди, қарийб 100 минг тонна пахта толаси, 1,7 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

200 дан ортиқ корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаси, шу жумладан СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи, Фаргона тўқимачилик комбинати, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи беш йилликни муддатидан аввал тугатдилар. Ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларидан 100 мингдан ортиқ киши шахсий беш йиллик планларини бажариб, ўзинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда.

Электр энергетика, машинасозлик, металлургия, химия, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган тармоқлар тез суръатлар билан ривожланимоқда. Беш йиллик ичида электр энергетикада ва машинасозликда ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баравар, химия ва нефть химиясида 1,9 баравар кўпаяди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида 100 дан ортиқ корхона фойдаланишга топирилди.

Саноатни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш юзасидан катта талбирлар амалга оширилди. 3 мингдан кўпроқ автомат ва механизациялашган линия ҳамда қурилма жорий қилинди, 500 дан ортиқ комплекс-механизациялашган ва автоматлаштирилган цех ва участка ташкил қилинди. Саноат буюмларининг 400

дан кўпроқ тури сифат белгисига сазовор бўлди. Хом ашё, материал, ёқилғи ва электр энергиясини тежаш юзасидан катта ишлар қилинди.

Шу билан бирга саноатда ҳали фойдаланилмаётган резервлар бор.

Республикада КПСС XXV съезди шарафига мусобақа кенг авж олдирилди. Ишлаб чиқариш коллективлари ишлаб чиқариш резервларидан тўла-роқ фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА
БОШҚАРМАСИ.

КПСС
XXV
СЪЕЗДИ
ШАРАФИГА

МАШҲУР ТЎҚУВЧИНИНГ МЕХНАТ ЖАСОРАТИ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Казанцева икки беш йиллик
плани бажариб, партиямиз XXV съездини муносиб кутиб олмоқда



Суратда: Л. Казанцевани ҳамкасблари катта зафар билан табрикламоқдалар.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг депутаты Лидия Павловна Казанцева ўз йўлидан борганларнинг галабаси билан ҳам, муваффақиятлари билан ҳам фخرлана олади. Коллективнинг юксак мажбуриятларини бажариш учун олиб бораётган курашига унинг қўшаётган ҳиссаси жуда салмоқли: қаҳрамоннинг станокларидан беш йиллик бошланганда бери 3 миллион 12 минг метр газлама олинди, шунинг ярми пландан ташқари тўқилди.

Лидия Павловна икки беш йиллик плани бажарса ҳам суръатини бўшаштирмайди. У йил охиригача яна 180 минг метр хомсурп тўқиш ниятидадир. Тўқувчи аёл республика дoнгдор меҳнаткашларидан тўрт кишининг ташаббусини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаганди. У 1976 йил биринчи квартал планини 15 февралгача бажариб бўлиб, қўшимча 70 минг метр газлама тўқиб бoриш мажбуриятини олди. У яна шу муваффақияти билан КПСС XXV съездида шахсий меҳнат

рапортини имзолаш ҳуқуқини қўлга киритиш ниятида.

17 сентябрда кўни Тошкент тўқимачилик комбинатида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцевани шoнли меҳнат галабасига бағишланган митинг бўлди. Унинг сменадoshi В. И. Солдатова, энг яхши шоғирдларидан бири Д. Қўлматова, 2-тукува фабрикасининг ишчиси Н. Антипенколар дoнгдор тўқувчининг эришган ажойиб муваффақияти билан сoммий қутладилар. Бирге ишловчи ўртоқлари Лидия Павловнага гуллар тақдим этдилар.

Меҳнат рекордининг афкори қутловларга жавобан Ватанин социалистик мусобақада янгида-янги муваффақиятларга эришиш билан курсанда қиламан, деб ишонтиради.

— Мен партия съездидаги пландан ташқари 250 минг метр газлама тўқиб бoраман, дeди дoнгдор тўқувчи мажлис ахлининг қарсақлари остида.

430.000
ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 18 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топирилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери.		
(процент ҳисобида)		
Янгийўл	1,63	11,70
Чиноз	0,95	5,13
Бекобод	0,65	4,97
Ўрта Чирчиқ	0,78	4,55
Пискент	0,71	3,76
Бўна	0,56	3,74
Оққўрғон	0,38	2,06
Қўй Чирчиқ	0,05	0,50
Юқори Чирчиқ	0,14	0,44
Область бўйича:	0,65	4,09

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДОН
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсми, учинчи стун — мавсум бошидан бери.		
(процент ҳисобида)		
ОРЖОНИКИДЗЕ	—	102,0
КАЛИНИН	—	100,1
Бўстонлиқ	—	89,2
Чиноз	1,3	26,0
Янгийўл	0,1	63,9
Одхонгарон	0,4	55,9
Бўна	0,2	55,4
Оққўрғон	—	54,1
Юқори Чирчиқ	0,1	53,8
Пискент	—	47,2
Қўй Чирчиқ	0,3	34,8
Бекобод	0,5	26,0
Ўрта Чирчиқ	—	21,6
Область бўйича:	0,2	52,7

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ШОЛИ ЎРНИШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18
СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсми, учинчи стун — мавсум бошидан бери.		
(процент ҳисобида)		
Бекобод	0,4	1,3
Ўрта Чирчиқ	0,3	1,0
Бўна	0,5	0,6
Юқори Чирчиқ	0,2	0,2
Оққўрғон	—	—
Қўй Чирчиқ	—	—
Пискент	—	—
Янгийўл	—	—
Область бўйича:	0,2	0,6

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 17 сентябрда коммунистлар ҳамда ишчи партияларнинг назарий ва информაციон журнали «Проблеми мира и социализма» журналининг бош редактори ўртоқ К. И. Зародовни қабул қилди. Ўртоқ Зародов суҳбат чоғида қардош 51 партия чиқараётган журналининг фаолияти, тўғрисида таъриб берди. Қардош партияларнинг намоёндалари тенг-лик, ўзаро ҳурмат ва ўртоқларча ҳамкорлик руҳида ишламоқдалар. КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва ишчи партияларнинг коллектив наширига доимо эътибор бераётганлиги учун журналининг редакция коллекцияси ва редакция кенгаши номидан сoммий миннатдорчилик изҳор қилинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Проблеми мира и социализма» журналининг ҳаммайтига юксак баҳо берди. У журнал марксизм-ленинизм назариясининг муҳим проблемаларини илҳомий ишлаб чиқишда, илмий коммунизм ғояларини тарқатишда, қардош партияларнинг таърибасини пропаганда қилишда актив қатнашаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев журналининг редакция коллекцияси ва редакция кенгашига, унинг барча интернационал коллективга тинчлик ва социализм йўлидаги, халқаро коммунистик ҳаракат сафларини янда янгилаштириш манфаатлари йўлидаги муҳим ва масъулиятли ишда янги муваффақиятлар тилади.

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА БИРДАМЛИК УЧУН

17 сентябрда кўни Москвада Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилот кенгашининг XII сессияси ўз ишини бошлади. Осиё ва Африкадаги 70 мамлакатнинг, социалистик давлатларнинг, жамоат ва сoммий аъзолари, шунингдек 20 халқаро ва маҳаллий ташкилотларнинг вакиллари халқаро кескинлик юмшатиётган, тинчлик ва ҳавфсизлик учун кураш олиб бoрилатган бир шароитда Осиё ва Африка халқларининг илмий-оодлик ҳаракатида доир масалаларни муҳокама қилмоқдалар.

Союзлар, Ўзининг колонна залига тўпланган сессия иштирокчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг таърибосини баланд руҳ билан қўлиб олдилар. Таърибномани совет делегациясининг бошлиғи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзosi Ф. А. Табеев ўқиб берди. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти бош секретари унинг йўриқлари Азиз Шариф доклид қилди. У оодлик ва мустиқлиги учун курашаётган халқлар номидан, сессия иштирокчилари номидан Осиё ва Африка халқлари намоёндаларини қизғин қабул қилганликлари учун сoммий таъриб ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва Совет ҳукуматиға чукур миннатдорчилик изҳор қилди.

Бутун биз, дeди сўзини давом эттириб нотик, тинчлик учун, атоқли курашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга Африка, Осиё бирдамлиги ҳаракатиға тинимай эътибор бераётганлиги учун, тинчлик ишиға жуда катта ҳисса қўшаётганлиги учун чукур миннатдорчилик изҳор қилмоқиз.

Хиндистон, ВДР, Сoмали, Малайзия Республикаси, Гвинея-Бисау Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари ўз нутқларида тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашға, илмий-оодлик ҳаракатини ривожлантиришға Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социализм мамлакатлари катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг XII сессияси 18 сентябрда ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).



Ўрта Чирчиқдаги Қорасув пахта заводи коллективи шу кунгача 36 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, беш йиллик плани муддатидан илгари бажарди. Айни кунларда коллектив янги пахта ҳосилини қайта ишлашга киришди. Суратда: пахтадан тола ажратиш цехи.

«В. И. ЛЕНИН ТАЪЛИМИ ВА ИШИ—ЎЛМАСДИР»

«Мисл» нарийети ана шу ном остида китоб нашр этилди. Бу китобда Владимир Ильич Лениннинг ўтган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан 1974 йил 18—21 январда Москвада ўтказилган илмий-назарий конференция материаллари эълон қилинган.

Тўплам КПСС Марказий Комитети Сийёси бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Сулеймановнинг сўзи билан боғланган. КПСС Марказий Комитети Сийёси бюроси аъзоси бўлиб қатнашган, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Пономаревнинг доклады, бошқа доклад ва илмий ахборотлар эълон қилинган бўлиб, буларда даврнинг байроғи бўлиб қолган Лениннинг юлларининг ижодий характери ва енгилмас кучи кўрсатиб берилади.

(ТАСС).

ОЛИМЛАР ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА

Республика «Билим» жамаияти лекторларидан бир гуруҳи Сирдарё ва Наманган областларининг коллеждарига, соҳаозиларига жўнаб кетди. Олимлар-дастхонда шийпонларда меҳнатчилар ва термичилар ҳузурида КПСС XXV съездида, Европада ҳамфазил ва ҳамкорлик масаласи юзасидан Хельсинкида бўлиб ўтган кенгаш якунига бағишланган лекциялар ўқийдилар. Худди ана шундай пропагандачилар гуруҳи янги кунларда Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Фарғона, Хоразм областларининг ва республикадаги бошқа областларнинг пахтакор хўжаликларига жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

НОЁБ СТАНОКЛАРНИ ЯРАТУВЧИЛАР

Ўзбекистон пойтахтининг станокчилари Тошкент трактор заводида пахтачиликка мўлжалланган 80 от кучли янги тракторни ишлаб чиқаришга таъбирлар кўра бошладилар. Шу машинани йиғадиган бош конвейерга дастлабки секция ва узеллар берилди бошланди. Келаси йилнинг бошларига трактор заводи керакли механизмларнинг ҳаммасини тўла-тўлиқ олиб бўлади.

Айни маҳалда технология бюросининг мутахассислари янги трактор асосий деталлари ишлаб берадиган махсус станоклар комплексини яратиш бора-бора катта иш олиб бормоқда. Тошкентлик станокчилар ноёб станокларни ихтисослаштирилган заводлардаги насобатан икки-уч барабар тезроқ до-йиқлаш ва тайёрлашга даъват этилганлар. Янги станокчилар корпуси қуриб битаёзиди. Бу ерда 8 минг квадрат метрдан зиёд саҳида юзлаб тақомиллашган машина-ускуналар ўрнатилди. Ула-рқилига 200 тага қадар махсус станок ва агрегат станон ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

СССР Алоқа министрлиги шу йил октябр ойида Сергей Есенин тугилганига 80 йил тўлишига бағишланган марка чиқарди.

Муомалага чиқарилган бошқа бир марка совет стандартизациясининг ярим асрлик юбилейига бағишланган.

БҲЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР ИЗЛАНИШДА

Ҳозирги фан ва техника таърифида ҳар бир булажак мутахассисдан билим доирасининг тинчсиз кенгайтириб бориши, касб-маҳоратини юксак даражада эгаллаш талоқи элади.

Шунинг учун тарбия ва ҳукуматимиз олий ўқув юртилари талабалари олдида тобора юксак ижтимоий-сиёсий талаблар қўймоқда. Натикада олий ўқув юртилари комсомол ташкилотларининг ўз вазифаларига нисбатан маъсулиятлари ортиб бора-ётир. Улар студентларда фан чўққиларини эгаллаш учун иш-тўғи, илмий изланиш борасида ҳавас уйғотишлари, ватанпарвар ишчиларни тарбиялаш ишларини кенг қўламада олиб боришлари лозим.

Бундай маъсулиятли ва паравил вазифани амалга оширишда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг комсомол ташкилоти самарали ютуқларни қўлга киритмоқда. Институтда кўпчилик студентлар ўзлари эгаллайдиган касбларига жиддий ва онгли муносабатда бўлиб, билим олиш билан бирга студентлар илмий жамаиятига аъзо бўлган ҳолда турли мавзуларда илмий кузатишлар олиб бормоқдалар. Билим даргоҳида таълим олаётган ҳар беш студентнинг бири илмий тадқиқот ишлари билан жиддий шугулланимоқда. Бутун-тўғи, республика ва шаҳар миқёсидаги конкурсларда актив иштирок этмоқда.

Комсомол-ёшлар ўз мутахассислиги билан бир қаторда ижтимоий фанлар бўйича ҳам самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб қувончли натижаларга эришмоқдалар. Институтдаги мавжуд ҳамма кулётларда ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича турли тўғи-раклар актив фаолият кўрсатмоқда. Вақти-вақти билан муҳим соҳаларга бағишланган махсус семинарлар ўтказиб турилади.

Институт комсомол ташкилоти КПСС тарихи, марксизм-ленинизм философияси, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм фанларини чуқур ўрганиш учун студентлар маъсулиятини кўтариб олишга бориши унинг асосий бурчи, деб билиб, ижтимоий фанлар кафедралари билан мустақим алоқа боғлаган ҳолда иш юритмоқда.

Ўтган йил 30 дан зиёд студентнинг илмий ишлари республикадаги илмий ишлари ре-

публика ва Бутуниттифоқ студентлар илмий ишлари конференциясида тақдим этилди. Талабалардан Г. Очилова ва А. В. Ривовичларнинг доцент Ш. Зухриддинов раҳбарлигидаги илмий изланишлари натижаси республика кўнглининг ва институт комсомол комитетининг фахрий ерлиқлари олишга сазовор бўлди.

Бундан ташқари, институтнинг кўпгина талабалари ўз мутахассисликлари бўйича халқ хўжалигига катта фойда келтирадиган илмий ишлар билан ҳам жиддий шугулланишмоқда.

Институт комсомол ташкилоти ёшларнинг техника ижодкорлигини кенг аяқ олдириб, ихтирочилар сафини кенгайтириш, фан ва техника ютуқлари ҳамда илмий тажрибаларини тартиб қилишда бир қатор конкрет тадбирларни амалга оширмоқда. Илмий тўғи-раклар, конструкторлик ёрдамлари ва студентларнинг бошқа ижодий уюшмалари фаолияти кучайтирилмоқда.

Ҳозирги кунда комсомол ташкилоти студентларнинг илмий тадқиқот ишларининг ахди системасини яратишга эришиш учун ҳаракат қилимоқда. Чунки, бу система ҳар бир студентнинг илмий изланишда алоқабат қилишувини, турли курслардаги тадқиқот ишлари формаларининг давомийлигини, ўзаро алоқадорлигини таъминлайди.

Комсомол ташкилоти студентлар илмий ишларининг тартиб-назоратини таъминлаш билан алоқадорлиги мустақимлаш ва ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келяпти. Бутунини кунга келиб бўлган мутахассислар ишлаб чиқариш практикаларининг самаралорини ошириш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Институт комсомол ташкилоти ҳар йили бўлиб ўтадиган студентлар илмий жамаиятининг конференцияларига пухта тайинловлар қилиб, «Ёшлар ижодий гуруҳлари» ҳам уюштириб турилади. Шунинг учун студентлар орасида билим чўққилари тарқатиш ишлари, ўзлари таълабган мутахассислик сирларини ўрганиш, сиёсий-ижтимоий билим доираларини кенгайтириб бориш ҳаракати қизгин тус олади.

Ш. НУРУЛЛАЕВ.

Тошкент область партия комитети янгида Чирчиқ шаҳар партия комитетининг ҳосилига ҳисса қўлини янгида йиғим тарихи даврида Ўрта Чирчиқ райони меҳнатчиларига оталиқ ерданини кучайтириш тўғрисидаги тадбирларини маъқуллади.

Чирчиқ саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари кўп йиллардан бери Ўрта Чирчиқ райони меҳнатчиларига оталиқ ерданини кўрсатиб келишмоқда.

Тўғизинчи беш йилнинг якунидаги йилда шаҳар саноат корхоналари янги ташаббуслар билан чиқаришти. КПСС XXV съезди шарафига эълон қилинган йиғирма беш зарбдор декада кунларида бир қатор коллективлар зарбдорчасига меҳнат қилиб, юксак муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Ҳар қачонки ҳам маъна ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этишмоқда. Корхоналардаги мана шу зарбдор меҳнатнинг ўзи қишлоқ меҳнатчиларига оталиқ ерданини кўрсатиш билан ўзини равишда боғлиқдир. Чунки, шаҳардаги кўпгина саноат корхоналари деҳқонлар учун машина ва механизмлар, минерал ўғитлар ишлаб чиқаради.

Жумладан, «Чирчиқсельмаш» заводи область қишлоқ хўжалик ходимларига ерданини кучайтириш юзасидан бир қатор ди-нагма сазовор тадбирларини амалга оширмоқда. Корхона оталиқ ерданини сифатида деҳқонларга 3 минг сўмлик турта «КРХ-3,6» маркали, бешта «КРТ-5» маркали қишлоқ хўжалиги машиналари, шунингдек, 1081 сўмлик металл ҳамда асбоб-ускуналар, 786 сўмлик 3,5 тонна электрод этказиб берди.

Электротехника комбинати райондаги Ленин номи колхозини оталиқ ердани билан. Бу йил колхозга беш минг сўм сарфлаб ер-хашак цехи қуриб берилди. 1-бригада территориясида узунлиги 500 метр электр сими ўтқа-

зилиб қатор кўча ва янги да-ла шийпонлари йилги чироқлар билан мураббий бўлди. Рассомлар дала шийпонлари ва қишлоқ бурчакларини турли план-хатда шийорлар билан беза-дилар. Колхозга жами 13 минг 506 сўмлик оталиқ ерданини кўрсатишди. Ём-хашак жамғариш мавсумида эса комсомол-ёшлардан тузилган махсус бригадалар Оржоникидзе райони хўжа-ликларида меҳнат қилишди. 35 кишидан иборат комсомол-ёшлар бригадаси 2100 сўмлик иш бажарди.

ШАҲАРНИНГ ҚИШЛОҚКА ОТАЛИҚ ЕРДАМИ

ЎРОҚ ВА ВОЛҒА ИТТИФОҚИ

Электротехника комбинати область қишлоқ хўжалигига 63 минг сўмлик ерданини кўрсатди.

Ўзбекистон қиёни эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати Ўрта Чирчиқ районидagi Энгельс номи колхозини оталиқ ердани билан. Бу ерда комбинат конструкторлари лойиҳа-си асосида ём-хашак цехи қуриб берилди. Цехи лойиҳадаш ва фойдаланишга топширилганча бўлган барча ишларни комбинат инженер-конструкторлари кол-хоз маъмурияти билан бамас-халат амалга оширишди. Кол-хоздаги қишлоқлар учун қўла-лаб цемент, парник ва теплица-лар учун полиэтилен пленкаси, пайвандлан электродлари ва бошқа материал ҳамда ускуна-лар юборилди. Комбинат бос-маҳонасида колхознинг 1,5 минг сўмлик бухгалтерия қозғолари тайёрлаб берилди. Шунингдек, рационализатор ва ихтирочилар

Район хўжаликларига оталиқ ерданини конрет план асосида кўрсатишмоқда. Ҳар бир кол-хоз маъдум саноат корхонала-рига ва қишлоқ ташкилотла-рига бирқитиш қўйилган. Жум-ладан, 160-қурилиш трести «Партия XXII съезди» колхоз-ини, «Ўзбексельмаш» заводи, Терешкова номи колхозини, 9-ғишт заводи Охунбобоев номи колхозини, трансформатор за-води Калинин номи колхозини оталиқ ердани билан.

Саноат корхоналари ва қи-лоқ ташкилотлари якунидаги йилининг биринчи ярмида район қишлоқ хўжалигига 251 минг сўмлик оталиқ ерданини кўрсат-ди. Шундан 108 минг сўми чорвачиликка, 56,5 минг сўми қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрлашга, 9,7 минг сўми пах-тачиликка, 7,7 минг сўми обо-донлаштиришга сарфланди.

Электротехника комбинати ва «Чирчиқсельмаш» заводи қи-лоқ хўжалиги учун маҳсулотла-ри ишлаб чиқариш бўйича олган социалистик мажбуриятларини адо эттиди. Пландан ташқари 27 минг тонна минерал ўғит ва 300 минг сўмликдан зиёд қи-лоқ хўжалиги техникасини ва уларга эҳтиёт қисмлар тайёр-ланди.

Шаҳар саноат корхоналари томонидан райондаги оталиқ ерданини хўжаликларда жами 14 та ём-хашак цехи қуриб бит-казилди. Бу деҳқонлар дағал ём-хашакни майдалаш ва уларни буг ерданида юмшатиш ишлари бажарилади.

Шунинг ҳам айтиш кераки, айрим саноат корхоналари ота-лиқ ерданини кўрсатиш бўйича мажбуриятларини адо этишма-пти. Жумладан, трансформатор заводи Акмал Икромов номи колхозда 25 кишига мўл-жалланган дала шийпонлари қу-рилишини ҳалигача ниҳоятга етказмади.

Ўтган йили ой мобайнида Чирчиқ шаҳри меҳнатчилари Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе районидagi олтига хўжаликда бўлиб, жами 6,5 минг тонна-дан ортқ дағал хашак тайёр-ланди.

Шаҳарда оталиқ ерданини кўрсатиш бўйича раҳбарлик қиладиган штаб тузилган. У соци-алистик мажбуриятларининг ба-жарилишини мунтазам равишда назорат қилиб боради.

Оталиқдаги районга берила-диган барча ерданини тўғизинчи беш йилнинг якунидаги йил-ни план ва мажбуриятларини бажаришга, КПСС XXV съез-дини муносиб қутуб олишга, 1975 йил пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олишга қар-тилмоқда. Шунингдек, терим кампаниясида дала шийпонла-рида лебдишлар ўқиш ва кино-фильмлар намойиш қилиш, концерт коллективлари ва агит-бригадаларнинг чечиларини ташкил қилиш набила план-лаштирилган.

В. ФРОЛОВ,
Чирчиқ шаҳар партия ко-митети саноат бўлимининг мудир.

Олмалиқ электро подстанцияси ўз қувватини мунтазам ошира

бориб, кон-руда саноати корхоналари ва шаҳар атрофидаги колхоз-

ларни электр қуввати билан тобора кўпроқ таъминламоқда.

Суратда: подстанциянинг тақсимлаш қурилмаси.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

«ЗАНГОРИ ОЛОВ»-КИШЛОҚКА

«Союзгаз» трестига қарашли 1-қўйма механизация-лашган колонна қурувчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мура-жагага жавобан ўзаро соци-алистик мусобақа асосида ишлаб олинган мажбурият олишган.

Шу кунларда колонна олов-корларни аўр гайрат ва шикоят билан меҳнат қилишмоқда. Чунки улар КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди шарафига социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан зиммаларига оширилган мажбурият олишган.

Чунончи оловкорлар йил охи-ригача беш йиллик пландаги ма-жбуриятга 800 минг сўмлик қу-рилиш-монтаж ишларини бажари-шиш, шу жумладан 30 кило-метр масофага газ тармоқлари қуриб, ишга тушириш, 700 хо-надонни газлаштиришга аҳд қилишган. Ҳозир газчилар зим-маларига мажбуриятини ҳам шараф билан бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитган ҳолда меҳнат қилиш-моқда.

Н. ҚОДИРОВ.

Лазиз ҚАЮМОВ.

ХАЛҚ СЕВГАН ШОИР

СОБИР АБДУЛЛА ТУГИЛГАН КҮННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

нинг илк ижодий таърифи «Янги Фирғона» газетаси-дан бошланди. Маъ-кур газетда унинг қўлжаб хабар, фелье-тон, очерк, шеър ва ҳикоялари босилиб чиқарди. Уша даврда беш шоир ҳаётга ендимиш уни бош-лаб ифода қилиш усулларини кунт билан ўрганиб, Жур-налистик фаолияти ке-йинроқ «Мухтум» журналида давом эт-ди. У умирнинг охи-ригача бу журнал-нинг редколлегия аъзоси эди.

Атоқли шоиримиз Собир Аб-дулла шеърларидан бирида ижодининг эстетик программаси-ни мана бундай деб баён қилган эди:

Халқдан чет ижоддур сусиз бир дарё,
Улуғ манбаъдир халқ ижод учун.
Ижодда ер қазиб, тилмасан бини,

Халқнинг сўзларидан қўйғайман устун.
Ҳа, чиндан ҳам шундай. Унинг образлари халқ сўзидан, шеър-нинг гунаҳари халқнинг ўзидан олинганлар. Салкам ярим асрлик ижод тарихининг ҳаммасида у қалам билан халқ дилига йўл из-лади. Одатда барча шоирлар ҳам шундай қиладилар. Аммо, ана уша йўлни топа билиш ҳаммага ҳам бирдек насиб қилвермайдиган. Бу ижоддан Собир Абдулла анчагина бахтли, омадли шоир-лардан биридир.

Ҳақиқий халқчил ва том маъ-нода оммавий Собир Абдулла шеърларининг ўзига хос хусусият-ларидан бири шундан иборатки, унинг поэзияси, Шарқ классик адабиёти аъёнлари билан мусо-тақкам боғлиқдир. Унинг ижоди ўша улкан океаннинг камтар бир наҳри бўлиб совет даврида давом этди.

Одатан, классик адабиёт аъ-ёнлари билан алоқа ҳақида га-пирилганда, аввало Собир Абду-ла поэзиясининг этакки вази-ни

аруз бўлганлигини кўзда тутади-лар. Гап шундаки, Собир Абду-ла классикларимиз ижодидан фа-кат вазнинигина эмас, балки чу-қур истисноли назмий тафаккур-ни ҳам мерос сифатида қабул қилиб олган. Шунинг учун ҳам унинг кўпгина шеърлари халқ мақолидек пурҳикмат, афоризм-лардек қанотдор.

Олимлар ҳар бир йирик адиб ижодини таҳлил этганларда унинг ўзига хос ижод сирларини излайдилар. Агар шу жиҳатдан Собир Абдулла ижодий бахти-нинг сирлари белгиланадиган бўлса, кўп олимлар қаторида мен шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли илк даврда Ҳамза Ҳакимзода Ние-зийнинг шогирди сифатида бош-ланганлигини алоҳида қайд этиш лозим, деб билиларим. Ижоднинг бошдаёқ шу улкан устоз билан робитада бўлиш баркамол ижод-нинг хамиртуруши тез этилишига албатта таъсир кўрсатган. Чиндан ҳам ижоднинг кўп тармоқли бў-лишида, бадиий жўшқинликда, халқ ҳаётини чуқур эгаллашда,

асарининг кенг оммага маъқул ва манзур бўлиши учун тинмай курашда устоз Ҳамзанинг ўғитла-ри унга ҳамийша мадад берди.

Собир Абдулла кучли лирик шоирларимиздан бири бўлиб, унинг биринчи шеърлар тўплами 1930 йилда босилиб чиқди. Шоир-нинг илк шеърлари бадиий са-вояси жиҳатдан юксак бўлмаса ҳам, унинг социалистик жамаияти мустақамлаш пафоси билан бу-ғирланган эди. Унинг кейинроқ бо-силиб чиққан «Гушан» тўплами-даги шеърларида бахтли, меҳнат-севар халқнинг ҳаёти, севгиси ва маънавий дунёси ўз ифодисини топиб, «Сўз ва соз тўпламидаги Улуғ Ватан уруши йилларида ёзилган шеърларнинг асосий те-маси—социалистик Ватанга му-ҳаббат, уни манфур душмандан ҳимоя қилиш ва халқимизнинг шу йиллардаги қаҳрамонона кураши ва меҳнатидир.

Урушдан кейинги йилларда Со-бир Абдулла «Ватан севгиси», «Бахтим қилур намойиш», «Пахта-кор тоғи», «Равшан замона» каби қўшиқлари совет ватанпарвар-лиги ва социалистик меҳнат за-фи билан тўлиб-тошганлар. Бу қўшиқларининг кенг тарқалиши-нинг сабаби халқ ҳаёти билан шоирнинг ҳамнафаслигидир. Шоирнинг бу даврда ёзган лирик қўшиқлари 1949 йилда нашр этилган «Давр қўшиқлари» тўпла-мида босилиб чиқди. Шоир бу тўпламдаги «Ватан ишқи», «Давр қўшиқлари», «Халқсод», «Юр-қани», «Колхоз қўшиғи», «Ғалаба байрами» каби қатор шеърларида Улуғ Ватан урушида ғолиб чи-

қиб, мамлакатимиз қудратини ошириш учун бор кучини тўпла-ган ижодкор ва тинчликсевар со-вет халқини улуғлайди:

Халқ тузган боғларда минг мавзу ётар,
Халқ қурган каналлар илҳомдек раван.
Кечиккан қуёшни ҳар тоғ уйғотар,
Кун қимай уйғонган минг-минг қаҳрамон.

Собир Абдулла ижоди худди устози Ҳамза ижодидек серқир-ра, унинг фельетон ва ҳикояла-ри, роман ва драмалари, публи-цистик мақола ва киносценарий-лари мутахассисларга ҳам, мух-лисларга ҳам бугунги кунда яхши танишдир. «Тоҳир ва Зухра», «Ал-помини», «Гул ва Навруз» каби қатор музикали драмалар театр санъатининг тарихида мустақкам ўрин олган. Муқимий ҳақиқдан назм, наср ва драма жанрларида ёзилган асарлари адиб ижоди-нинг ютуқлари сифатида таъкид-ланган. Аммо, ҳозирча гап поэ-тик асарлари устида, 1971 йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофо-тига сазовор бўлган «Девони уст-ида».

Адибнинг тарихида «Соҳиб де-вои шоир» дейилганда баркамол этук адиб кўзда тутилган. Чун-ки девон тузилиши ўз ички ко-нуларини бўлиб, алфобонинг ҳар-фарфига қандай битганда шеър бўлишни шарт эди. Маъкур маъ-нун бўлиши кунда шоиримизни тавсифлашда ҳам мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Гап Собир Аб-дулла шеърларининг ижоддор эътибори билан девонларини тўл-ғизиб юборадиган даражада бў-лишида эмас. Балки, шундаки,

КООПЕРАТОРЛАР ҲАЁТИ

МЕХНАТКАШЛАР
ХИЗМАТИДА

РАЙОННИМЗ кооператорлари кейинги йиллар ичида савдо маданиятини юксалтириш юзасидан кўпгина тадбирларни амалга оширдилар.

Илгарики дасткам, тор ҳўнонлар ўзининг ҳар томонлама шинам павилонлар, янги тилади савдо масканлари, прогрессив метод асосида хизмат кўрсатувчи магазинлар эгаллади. Савдо ходимлари сафи ўз касбига меҳр кўйган, малакали кадрлар ҳисобига ортди. Харидорларга хизмат кўрсатиш даражаси анча яхшиланди. Автоташкалар хизматининг йўлга қўйилиши, кўча савдо ярмаркаларининг уюштирилиши қишлоқ аҳолиси учун катта қулайлик яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, район партия ва совет органларининг савдо тармоқлари ишини яхшилашга мунтазам равишда бераётган эътиборлари туфайли дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатиш учун кенг имконият яратилди.

Ҳозирги пайтда матбуот жамиятида 6 та ҳўжалик ҳисобида ишловчи кооператив ташкилот, шунингдек жамият ҳўжалиги ихтиёридаги бир неча магазинлар мавжуд бўлиб, уларда 712 ходим хизмат қилмоқда. Кооперативларга социалистик мусобақанинг йўлга қўйилиши ўз самарасини кўрсатди. Йиллик чакана товар сўботи пилан олти ойда ошириб бажарилиди. Санкиз ой ичида аҳолига пиланди ташқари 243 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Айниқса, район марказида жойлашган «Юла» кооператив универмагининг иши илгарилик бўлди. Бу ерда товарларни технология талабларига кўра озода ва саранжом тутуш, нафосат билан реклама қилиш, энг муҳими, харидорлар билан алоқани мустақамлашга алоҳида эътибор берилди. Ходимлар товарларни аҳоли энг жойлашган устакаларга, кўчаларга олиб чиқиш сотишдан эришилмайди. Натияжада, универмаг шу йилнинг санкиз ойи мобайнида пиланди ташқари 50 минг

Савдо объектлари ҳам кўпайиб бормоқда. Иккинчи йил ичида районда «Маданий моллар», «Сўт маҳсулотлари» магазинлари, янги замонавий техника билан яхшиланган автомобиллар парковки станицаси, «Кўкорол» совхозида бир неча янги магазинишга туширилди.

Шу кўнларда она-Ватанга 68 минг тонна Бўка пахтаси етказиб бериш учун курашаётган эришчилар армияси сафига кооператорлар ҳам қўшилишди. Биз терим мавсумида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш борасида ҳар йили махсус график ишлаб чиқамиз. Бу йил ҳам шундай қилинди. Олтинта автодўкон ҳар кўн ўзига топирилган маршчилар билан дала навбатда зарур бўлган товарлар билан таъминланди. Автоташкалар орасида ҳам мусобақа ташкил этилган. Шу кўнларда кўп йиллардан бери ҳам шоферлик, ҳам сотувчилик касбини шарафлаб келадиган Олимжон Солиев бу мусобақанинг пешқадамидир. У кўнлик топирилганини олтига адо этмоқда.

Кооператорларимиз партия XXV съездининг муносиб ютуқлар билан ишончли ҳаракатларда, бунинг учун қатор тадбирлар белгиланган. Еш савдо ходимлари ва кооператорлар малакасини ошириш, пилан ва мажбуриятларини муддатли олдин олтига адо этиш ана шу тадбирларнинг асосини ташкил қилади. Биз бу режаларни бажариш учун съездолди социалистик мусобақани янада кенгроқ йўлга қўямиз.

И. СОИПОВ,
Бўка район матбуот жамияти сўзчи правдасининг раиси.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов билан Ҳасан Йўлдошевларнинг телеэкранда ҳар бир чўкиши хонадонларга қувноқ юмор, қўлуғ олиб киради.

«Ешлик» студиясининг «Телевизион миниатюралар театри» ва «Экран хандаси» программаларининг даярли ҳаммаси ана шу икки қўлуғ устасининг иштирокида жўзобали, қизик чўкишда фақат актёрларнинггина эмас, «Ешлик» студияси редакторлари, режиссёрларининг ҳам хизмати катта.

Суратда: (чапдан ўнгга) Ҳасан Йўлдошев, режиссёр Мираббос Мирзаахмедов ва Эргаш Каримовлар янги программани муҳокама қилмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

УЛКАН ПИЁЗ

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозидан пилёз ортан нарвон тайёрлов пўнўтига келганида бу ерданлар ҳаддан ташқари катта катта пилёзларни қўриб ҳайрон бўлишди. Энг йирғи тортиб қўрилганида 1 килограмм, кичикроғи 800 грамм келди. Қўйинчи, Неъмат Жумабоев бригадаси биринчи нарвоннинг ўзидек пилёз пилани уч баъравар қилиб адо этди. 15 гектар ердан 60 тонна пилёз олинди.

Дон Пен Хо звеносининг сабзавотчилари шу улкан пилёзни етиштирдилар. Бу коллектив рекорд ҳосиллари билангина шўхрат қозониб қолмади, Селёкциячилар ҳам бу звенони яхши биллишди. Ўлар звенота янги навларни сингани топириб туришди.

Звено бошлиғи 15 йилдан бери ишлаб катта тажриба олтирган. Шу вақт ичида у олти хил нал пилёз синаб қўрди, уни ўстириш агротехикасини ишлаб чўкишда ёрдам берди. Ҳозир Тошкент областида «Кабоз» пилёзи, «Маргилон оқ пилёзи», «Самарқанд гунафша пилёзи» кенг тарқалган.

Боғти улкан пилёз эса ҳозир звенота синаб қўраётган «Қоратол» навиға тааллуқлидир.

(ЎТАГ).

ЯНГИ ТАРМОҚЛАР

Янги микрорайонлар ва турар-жой кварталларида, шўнингдек йирғи жамоат марказларида янги-янги маъиш хизмат устаконалари очилмоқда. Янгида 1-«Қорамқаш» маъишининг 4-микрорайонда умумий майдони 250 квадрат метр бўлган савдо маркази ишга туширилди.

Профессорлар шаҳарчаси ва ТошМИ маъишида фойдаланишга топирилган маъиш хизмат унн ҳам бу турар-жойлар аҳолисига намунали хизмат кўрсата бошлади. Бу ерда кичим-кечалар ремонт, хич-

чистка, сартарошхона ва поймафзал ремонтни устаконалари ишлаб турибди. Янгида фойдаланишга топирилган «Ешлар унн»да ҳам химиявий тозалаш, кичим-кечалар ва поймафзал ремонтни устаконаси, соғсаллик ва бошқа маъиш хизмат устаконалари ишга туширилди.

Пойтахт маъиш хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан амалда оширилаётган ана шу тадбирлар шаҳримиз аҳолисига яна ҳам юксак савияда хизмат кўрсатиш имкониятини таъминлайди.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

Реклама
ВА
Эълонлар

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИДА

22 СЕНТЯБРГАЧА

Тошкент «Малика» тикув фирмасида ишлаб чиқарилган трикотаж буюмларини

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Чилонзор» савдо маркази эрталаб соат 9 дан кеч соат 8 гача танаффусиз ишлайди. Дам олиш кўни — якшанба.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ ВА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ

31-ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГІЛАР ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҲАРВИЙ ХИЗМАТИНИ ЎТАВ ҚАНТАГАН ИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қўидаги мутахассисларни тайёрлайди: ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ (Ўқш мўддати — 2 йил); ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЕРДАМЧИСИ (Ўқш мўддати — 1 йил, йил); ТОКАРЬ (Ўқш мўддати — 3 йил).

Билим юртидаги ўқш даври иш станига қўиладди. Ўқувчилар етишдида билан таъминланадилар. Тоқарларга нўнға у маҳал оват, ва кичим-бош бериллади.

Билим юртини туғатилар темир йўл транспорти. Ходимлари учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жўмладан: Совет Иттифоднинг хоҳлаган шаҳарига бориб келиш учун бепул темир йўл билетни бериллади.

Билим юртига кирувчилар қўидаги ҳўнонатларни топирадилар: паспорт ёни туғилганлиғи тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан саврава, ота-онанинги иш жойидан саврава, арзиз, таркиман ҳўли, харақтеристика, 3х4 см. ҳўмдаги 8 донна фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Слоним кўчаси, (8, 21 48-автотўсиларнинг «Готель»), 3, 23-трамвайларнинг «Рисовая кўчаси», 15, 23, 26-автотўсиларнинг «Янги қўрғон» кўчаси бенатлари).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

КИНО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—

МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35

— Кинобизнинг дўстимиз. 10.00

— Кўғирчоқ фильм. 19.10 — Истиқлол

павилонлари проблемалари. 19.40 — «АХБОРОТ». 19.55

— Шерият муҳлисари. 20.10

— «АХБОРОТ». 20.30 — «Ноз»

мат бунёдори. 21.00 — Кош

ерт. 22.00 — МОСКВА. «ВАКТ»

22.30 — ХОККЕЙ. «СПАРТАН»

— МАСК. ИКИНЧИ ПРОГРАММА.

11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Фильм

концерт. 11.50 — Тонгги қарши

лаб (бадий фильм). 18.30 — МОС

КВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15

— Мультифильм. 19.20 — Спорт

программаси. 20.05 — Эстрада

концерти. 20.50 — Телефильм.

22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Хот

ра белгиси (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 —

ТОШКЕНТ. 20.05 — Беш йиллик

маршрутлари бўйлаб. 20.35 —

Фильм-концерт. 21.25 — Тошкент

янгилликлари. 21.40 — Ҳўжжатаи

фильм. 21.55 — Олдин одам (те

лесентакт).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ

АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1911X да Қўрмайин босди ти

конини, 2011X да Ҳаёт шони, 2111X

да Шоҳ Эдиш.

МУКМИН НОМИ ЎЗБЕК ДАВ

ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

2011X да Турман кизи, 2111X да

Олдинта (қўнўз). Ноним фидо

(печирин).

КИШКИ БИНОДА

Бобби — БИЛИМЛАР УПН (13.00, 18.00, 18.30). САНАТ СА. РОЙИ. «ЧАЙКА». «ҚОЗОГИСТОН».

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ». «ВОС. ТОК». «МОСКВА». «ДРУЖБА».

«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ». «НУКУС» (қўнўз ва кечқўрун).

Тандиримини излайман — «ЎЗБЕКИСТОН» (яуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Бобби — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уч бегунох — «ХИВА».

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР транспорт қўриқини Министрлиғига қарашли СЕРГЕИ ТЕМИР БЕТОН КОНСТРУКЦИЈЛАР ЗАВОДИ

бетон ва йўл ишлари учун ченалмаган миндорда

ШАҒАЛ СОТАДИ

ШАҒАЛ ФРАНЦИЯСИ — 8—40 мм.

Мурожаат учун адрес: Сергел посёлкиси. Восточная кў. часи, 2-й (қонвалдан 66-автот. бус, «ЖВЗ заводи» бенати). Телефон: 392-60-37.

СОЛИГОРСКИЙ ШАҲАР МАШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ГРАЖДАНЛАРГА

ММ марнали янги қайиқлар СОТАДИ

БАХОСИ — 400 СЎМ. Мурожаат учун адрес: 223710, Ленинская область, Солнгорский шаҳри. Парковий переулки, 19-й. Телефон: 2.06.91.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ХОТИН-ҚИЗЛАР
ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ

Алғирдаги 3-шаҳар кутубхонасида ҳақдор хотин-қизлар йилига бағишлаб катта китоб иштирокини ташкил қилинди. «Еш ҳўжжати, соҳия тарафидан ва тилиқлик деб номланган бўлиға дохилиз В. И. Ленин асарлари, партия съездлари ҳўжжатлари ва классиклар илодига мансуб адабиётлар қўиладган.

Кутубхона шаҳардаги тикув фабрикаси коллективидан билан яхши алоқа ўриятган. Чеварлар илтимосига биноя Улғў Ватан уруши йилларидаги қаҳармонлик намуналарни кўрсатган совет аёллари тўғрисидаги китоблар эалдан ўрни олган. Кутубхоначи Валентина Баврина янги китоблар ҳақига мунтазам ахборот бериб туради.

Ф. ПЕТРОВ.

МУНОСИБ
ЎРИНБОСАРЛАР

Тошкентдаги 4-хўнар-техника билим юртининг биринчи курсига бу йил 420 ўқувчи қабул қилинди. Билим юртида санкиз хил мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Кечанига ўқини тамомлаган 300 дан ортқ йигит-қиз ҳўнр шаҳар ва қишлоқларда ишламоқда.

Билим юртида ўқувчиларнинг нўхта билим олишлари ва хўнар ўрганишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўқув кабинетлари, ишлаб чиқариш устаконалари, лабораториялар замонавий техника воситалари билан яхшиланган. Ўқувчилар синфда олган назарий билимларини амалий машғулотлар давомида янада мустаҳкамламоқдалар. Дарсларда магнитофон, контроль ўратувчи қўрғима, электрлаштирилган кўргазмалар қўроллардан кеиғ фойдаланилмоқда.

Х. ЭРНАЗАРОВ.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ХУРСАНД

Бекобод районидagi 4-қишлоқ ўрта хўнар-техника билим юрти талабаларининг қувончи чексиз. Ўлар янги ўқув йилини янги бинода бошладилар. 10-механизацияланган кўча қондонна қўрувчилари 600 ўқувчи ўринли янги корпусини муддатли илгари фойдаланишга топирилдилар. Бу ерда ўқув хоналари, 14 та фан кабинети, кутубхона, спорт зал, мажлис-лар зал, ошхона бор.

Қўни-кеча қишлоқ қўрувчилари бекободлик ҳамқишлоқларига яна бир совға топиридилар. Зафар посёлкисига китоб магазини ишга қўирилди. Магазин бадий. Сўсий адабиётлар ва дарсликлар билан савдо қилаятти.

К. МАВЛОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИГА
ОБУНА БЎЛИНГ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1976 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ҚОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, ҚОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОАТИНИ МАТБЎТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газетанинги уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

С О В Е Т

ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ

МУВАФФАҚИЯТИ

МУВАФФАҚИЯТИ

УЕФА кубоғи учун ўтказилган дастлабки матчларда совет футболчилари юксак маҳорат кўрсатиб, ўз рақиблари устидан алоҳид муваффақиятларни қўлга киритдилар. 4:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Одессада эса «Черномор» билан Италия клуби «Лацио» учрашди. 33-минутда Доросенко киритган лғона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди.

Кубок эгалари кубоғи учун бўлган матчда йирғи ҳисоб Ереванда қайд этилди. «Ара-рат» командаси Кипрининг «Анортосис» командасини 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Тўпларининг бештасини рақиб дарвозасига Марков киритди.

Иккита командамиз эса УЕФА кубоғи учун курашини чет элларда бошлади. Швецияда маҳаллий «АИК» командаси билан Москванинг «Спартак» Гренида эса маҳаллий «Олимпикос» командаси билан Киевнинг динамовчилари учрашдилар.

Спорт

метрлик жарима тўпи билан жазоландилар. Ҳисоб 2:0 бўлди. Ниҳоят, 35-минутда Са-вольди «Торпедо» дарвозасига битта тўп киритишга муваффақ бўлди.

Учрашунинг иккинчи бўлимида майдон эгалари «Наполи» дарвозасига кетма-кет яна иккита тўп киритдилар. 4:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Одессада эса «Черномор» билан Италия клуби «Лацио» учрашди. 33-минутда Доросенко киритган лғона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди.

Кубок эгалари кубоғи учун бўлган матчда йирғи ҳисоб Ереванда қайд этилди. «Ара-рат» командаси Кипрининг «Анортосис» командасини 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Тўпларининг бештасини рақиб дарвозасига Марков киритди.

Иккита командамиз эса УЕФА кубоғи учун курашини чет элларда бошлади. Швецияда маҳаллий «АИК» командаси билан Москванинг «Спартак» Гренида эса маҳаллий «Олимпикос» командаси билан Киевнинг динамовчилари учрашдилар.

ПЕШҚАДАМЛАР

МАҒЛУБИЯТИ

Биринчи лига командалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги турда туринг пешқадамларининг омади юрмади. 38 очко билан биринчи ўринда кетаётган Куйбишевнинг «Крилья Советов» футболчилари Олмаотада «Қайрат» билан учрашиб 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Иккинчи ўринда кетаётган Минскнинг «Динамо» командаси эса Душанбеда «Помир» билан кўч синашди. Майдон эгалари актив ҳаракат қилиб учрашув бошдаёқ ҳисобини очдилар. Шу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.

Олий лига командалари ўртасида битта матч бўлиб ўтди. Кейинги учрашувларда кетма-кет икки галабани қўлга киритган Ленинграднинг «Зенит» командаси Донецк қончиларини қабул қилди. 56-минутда «Шахтёр» ўйинчиси Соколовский киритган лғона тўп командига галаба келтирди. Энди қончилар 21 сентябрда Тошкентда «Пахтакор» командаси билан учрашадилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

номиналтор — 330249 дан
330258 гача
Эълонлар — 33814